



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING QARORI

20 20 у. « 14 » декабрь № 49

Аҳоли пунктларида уй-жойлар рўйхатини тузиш бўйича қўлланмани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сон қарорига мувофиқ, аҳолини рўйхатга олишни халқаро тавсияларга асосан ва юқори даражада ўтказиш, аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида аҳоли пунктларида уй-жойлар рўйхатини тузиш, регистраторларнинг фаолиятини ташкил этиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тартибини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Аҳоли пунктларида уй-жойлар рўйхатини тузиш бўйича қўлланма иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича тузилган ҳудудий комиссияларга ишда фойдаланиш учун етказилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмита раиси,
Республика комиссияси
раисининг ўринбосари

Б. Бегалов

Аҳоли пунктларида уй-жойлар рўйхатини тузиш бўйича ҚЎЛЛАНМА

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ташкил этиш жараёнида уй-жойлар рўйхатларини тузиш тамойилларини белгилаш, регистратор (уй-жой рўйхатни тузувчи)ларнинг фаолиятини ташкил этиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш муносабатларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

І-бўлим. Умумий қоидалар

1. Уй-жойлар рўйхатларини тузиш аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришнинг муҳим жараёнларидан бири ҳисобланади. Аҳолини рўйхатга олишда аҳолининг тўлиқ қамровини таъминлаш мақсадида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган кўп қаватли/квартирали уйлар бўйича хонадонлар ҳамда яқка тартибдаги уй-жойлар рўйхати тузилади ҳамда уларда яшовчи аҳоли сони бўйича маълумотлар базаси шакллантирилади.

Йиғилган маълумотлардан белгиланган ҳудудларда 2021 йилда синов тарикасида аҳолини рўйхатга олишнинг ҳамда 2023 йилда асосий аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини тузишда фойдаланилади.

2. Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

аҳолини рўйхатга олиш – Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;